

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.К.01.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВА НИГОРА НУРИДДИНОВНА**

**ПОЛИАНИЛИН АСОСИДАГИ ТОК ЎТКАЗУВЧИ ПОЛИМЕР  
МАТЕРИАЛЛАР**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Абдуллаева Нигора Нуриддиновна**

Полианилин асосидаги ток ўтказувчи полимер материаллар..... 3

**Абдуллаева Нигора Нуриддиновна**

Токопроводящие полимерные материалы на основе полианилина..... 21

**Abdullayeva Nigora**

Conducting polymer materials based on polyaniline..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.12.2019.К.01.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВА НИГОРА НУРИДДИНОВНА**

**ПОЛИАНИЛИН АСОСИДАГИ ТОК ЎТКАЗУВЧИ ПОЛИМЕР  
МАТЕРИАЛЛАР**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/K339 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси ([www.cspl.uz/ilmiy-kengash](http://www.cspl.uz/ilmiy-kengash)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маҳкамов Музаффар Абдуғаппорович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рафиков Адҳам Салимович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Жўраев Мурод Махмараҷаб ўғли**  
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақами Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «28» октябрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-үй. Тел.: (+99871)246-07-88, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: [chem0102@mail.ru](mailto:chem0102@mail.ru)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 116 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (+99871) 246-07-88, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: nauka@niu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «13» октябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «13» октябрдаги 18 – рақамли реестр баённомаси).

**А.З. Сманова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси,  
к.ф.д., профессор

**Д.Ж. Бекчанов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
к.ф.д., доцент

**М.Г. Мухамедиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда электр ўтказувчанлик хусусиятига эга полимер материаллар электротехникада электролюмисцент диодлар, плёнкасимон транзисторлар, датчиклар, сенсорлар, электрон дисплейлар, рақамли хотира ва мантиқий қурилмаларнинг элементлари, қуёш батареялари, юқори аниқлик талаб қиласидиган тиббий диагностик ва аналитик қурилмалар, каттиқ аккумулятор батареялари ва бошқа ускуналарда кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида электрон технологияларни ривожланиши натижасида яримўтказувчанлик хусусиятига эга полимерлар олиш жараёнининг кинетикаси ва механизмини, улар асосида янги композициялар яратиш, ҳамда олинган материалларнинг кимёвий, физик, физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда яримўтказувчанлик хусусиятига эга полимер композицион материаллар асосидаги маҳсулотларнинг импорт қилинувчи маҳсулотлар ўрнига амалиётга жорий этиш муаммосини ечишга алоҳида эътибор қаратилиб, турли транзисторлар, ион ўтказувчи материаллар, пъезо-қаршиликни сезувчи қурилмалар, қуёш батареялар, аккумуляторлар учун элекродлар, металларни коррозиядан ҳимоялаш учун қопламалар ва бошқа материаллар олишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” вазифалари берилган<sup>1</sup>. Бу борада электр токи ўтказувчан янги полимер композицион материаллар олиш, уларни хоссаларини ва фойдаланиш соҳаларини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3264-сон “Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласиди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Полианилин асосида ион ва электр ўтказувчи полимер материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

ўрганиш борасидаги дастлабки тадқиқотлар Нобел мукофоти лауреатлари C.Fritzsche (Германия), A.MarcDiarmid ва A.Heeger (АҚШ) каби олимлар билан боғлиқ. A.MarcDiarmid ва унинг илмий жамоаси томонидан биринчилардан бўлиб полианилиннинг мавжуд шакллари ва уларни турли хилдаги допандлар иштирокида допирлаш усуллари тизимли тарзда ўрганилган. Полианилиннинг кимёвий оксидловчилар иштирокида полимерланиш назариясини ривожига Я.Стежескал (Чехия) ва Л.Сапурина (Украина) катта хисса қўшишган. Я.Межуев, Ю.Коршак, А.Шишкиналар (Россия) анилиннинг сувли эритмаларда кимёвий оксидловчилар иштроқида катион полимерланиш механизмини ва кинетикасини ўрганиш борасида кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб бориб ушбу йўналишни ривожига катта хисса қўшган.

Мамлакатимизда А.Мамадалиев, Ш.Темирова каби физик олимлар полианилиннинг ўтказувчанлик механизмларини ўрганишни биринчилардан бўлиб бошлаб берган. А.Джалилов, А.Набиев, Д.Каримова, Э.Жумаева, Х.Тураев, М.Маҳкамов каби кимёгар олимларнинг полианилин ва унинг композицияларини синтез қилиш ва хоссаларини тадқиқ қилиш соҳасида олиб борган илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Анилиннинг полимерланишига оид тадқиқотлар кўп йиллар давомида олиб борилаётганига қарамай, ушбу соҳада ханузгача ечишмаган муаммолар жуда кўп, жумладан, полианилиннинг полимерланиш механизми хозирда тўлиқ очиб берилмаган, полимерларни синтез шароити ва уларнинг электрофизикаий хоссалари орасидаги боғлиқликлар чуқур ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-ОТ-2021-291 «Нанокомпозицион полимер қопламалар олишнинг электрохимёвий ва электрофизикаий асослари» (2021-2026 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** сувли эритмаларда анилиннинг оксидланишли полимерланиш кинетикаси ва механизмини ҳамда полианилин асосидаги материалларнинг физик-кимёвий ва электрофизикаий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сувли эрималарда анилиннинг оксидланишли полимерланишига оксидловчилар табиати ва эритма мухити таъсирини аниқлаш;

анилиннинг сувли эритмада катион полимерланиш кинетикаси ва механизмини тадқиқ қилиш;

полианилиннинг ZnO ва TiO<sub>2</sub> билан ток ўтказувчан полимер композицияларини олиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш;

полианилиннинг синтез шароити ҳамда у асосидаги композициялар таркибидаги металл оксидлари микдорини олинган материаллар физик-кимёвий ва электрофизика хоссаларига таъсирини аниқлаш;

ишда олинган полимер ва композицияларнинг амалиётда фойдаланиш соҳаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** полианилиин ва унинг ZnO ҳамда TiO<sub>2</sub> билан ток ўтказувчан полимер композициялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** анилиннинг сувли эритмада оксидланишли полимерланиш кинетикаси ва механизми, полианилиин ва унинг металл оксидлари билан полимер композицияларининг физик-кимёвий ва электрофизик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Сканерловчи электрон микроскопия, ИК-, Раман спектроскопия, рентгенофазали анализ, термогравиметрик ва дифференциал термик анализ, вольт-ампериметрия, потенциометрия ва бошқа замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

анилиннинг сувли эритмаларда полимерланиш жараёнининг кинетик параметрлари, умумий фаолланиш энергияси ҳамда мономер ва оксидловчи бўйича реакция тартиблари аниқланиб, анилиннинг персульфатлар иштирокида полимерланиши паст ҳароратларда катион, юқори ҳароратларда эса радикал механизмда бориши исботланган;

полианилиин таркибига допантлар киритилиши унинг термокимёвий деструкция жараёнини тезлашиши ва умумий энергиясининг камайишига олиб келиши исботланган;

олинган полимер ва композицион материалларнинг ток ўтказувчанлиги ҳамда уларни олиш шароитлари, допанд табиати ва миқдори орасидаги боғлиқликлар аниқланган;

илк бор полианилииннинг ZnO билан ҳосил қилган полимер композицияси таркибидаги металл оксидининг масса миқдори 15% гача бўлганида улар яrimўтказгичлар, ундан юқори бўлганида эса металларга хос электр ўтказиш хусусиятига эга бўлиши исботланган;

илк бор полианилииннинг эмеральдин туз шакли «р» типдаги, таркибида ZnO ва TiO<sub>2</sub> тутган композициялари эса «п» типдаги электр ўтказувчанликка эга бўлган яrimўтказгич материаллар турига кириши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

полианилиин асосида ток ўтказувчи полимер ва композитлар олиш, уларни сақлаш ҳамда фойдаланиш шароитлари аниқланган;

полианилиин асосидаги материаллар зарядланувчи батареялар ва суперконденсаторларни электрод материалларининг таркибий компонентлари, турли антистатик композициялар тайёрлашда қўшимчалар сифатида, шунингдек автоматика ҳамда назорат ўлчов (КИПиА) асбоб-ускуналарида контакт, ток ўтказувчи элементлар сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган физик-кимёвий усуллар, сканерловчи электрон микроскопия, ИК- ва Раман спектроскопия, рентгенофазали таҳлил, ТГ ва ДТГ таҳлилар, вольт-ампер характеристикаси, потенциометрия ҳамда моддаларни тузилиши ва хоссаларини тадқиқ қилишни турли кимёвий усуллардан фойдаланилгани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сувли эритмаларда анилинни

персульфатлар иштирокида полимерланиш кинетикаси ўрганилиб, жараённинг кинетик параметрлари аниқлангани, олинган натижалар анилиннинг полимерланиш механизмига оид назарий билимларни кенгайишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ток ўтказувчи янги полимер материаллар синтез қилингани ва уларнинг физиковий параметрлари яримўтказувчи материалларнинг жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ эканлиги амалий синовлар натижасида тасдиқлангани билан изоҳланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полианилин асосида ток ўтказувчи материаллар олиш, уларнинг физик ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

полианилин асосидаги композит материаллар синтези учун ташкилот стандарти Ўзбекистон Республикаси Санитария - эпидемологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ташкилоти томонидан тасдиқланган (Ts 200845944-01:2021). Натижада, корхоналарда полимерни олиш, сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича стандарт шароитлар яратиш имконини берган;

полианилин асосида олинган ток ўтказувчи полимер композитларни «Фотон» АЖда электрофизик параметрлари ўрганилган («Фотон» АЖ корхонасининг 2022 йил 03-мартдаги №-04-3/352-сон маълумотномаси). Натижада, қайта зарядланувчи батареялар ва суперконденсаторлар электрод материалларининг таркибий компонентлари, турли антистатик композициялар тайёрлашда қўшимчалар сифатида фойдаланиш имконини берган;

полианилин асосида олинган ўтказувчи полимер композитлар «Электрокимёзавод» ҚК АЖ томонидан автоматика ва назорат ўлчов ускуналари ва назорат ўлчов асбоблари бўлими лабораториясида синовдан ўтказилган («Электрокимёзавод» ҚК АЖ корхонасининг 2022 йил 17-майдаги №123-сон маълумотномаси). Натижада полианилин асосидаги ток ўтказувчи полимер материаллардан автоматика ва назорат ўлчов (КИПиА) асбоб-ускуналарида контакт ва ток ўтказувчи элементлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг аprobацияси.** Диссертация ишининг натижалари 10 та, жумладан 3 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида тақдим қилиниб муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий атtestация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун физика-математика фанлари доктори, ЎзР ФА академиги А.Т.Мамадалимовга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, унинг обьекти, предмети ва усуллари аниқланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича қисқача маълумот берилган, ишнинг апробацияси натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Полианилин асосидаги материаллар ва уларнинг хоссалари»** номли биринчи бобида полианилиннинг (ПАНИ) олиниши, ишлатилиши, физик-кимёвий хоссалари ва у асосида полимер композициялар олиш усуллари, ушбу материалларнинг ўзига хос жиҳатлари, улардан фойдаланиш истиқболлари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган. Мавжуд назарий ва амалий натижалар таҳлили асосида вазифанинг қўйилиши тавсифланган, мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, саноатнинг турли соҳаларида қўллаш мақсадида ПАНИ асосида электр токи ўтказиш хоссасига эга полимер материаллар синтез қилиш зарурияти тўғрисида хulosалар чиқарилган.

**«Анилиннинг сувли эритмаларда оксидланишли полимерланиш жараёнини тадқиқ қилиш ва полианилиннинг баъзи металл оксидлари билан композицияларини олиш»** номли иккинчи бобда анилиннинг сувли эритмаларда турли оксидловчилар иштирокида полимерланиш жараёни, ушбу жараёнга таъсир қилувчи омиллар ҳамда ПАНИнинг  $ZnO$  ва  $TiO_2$  билан полимер композицияларини олишга оид тадқиқот натижалари келтирилган.

ПАНИ синтези анилинни (*Ani*) сувли эритмада турли оксидловчилар (*Ox*) иштирокида полимерлаш ёрдамида амалга оширилган. Оксидловчилар сифатида  $H_2O_2$ ,  $HClO_3$ ,  $FeCl_3$ ,  $K_2Cr_2O_7$ ,  $K_2S_2O_4$ ,  $(NH_4)_2S_2O_8$  каби кимёвий бирикмалардан фойдаланилган. Барча оксидловчилар иштирокида анилиннинг полимерланиш жараёни содир бўлиши, ҳосил бўлаётган полимернинг сувли эритмада эримаслиги сабабли жараёнининг гетероген фазада бориши кузатилган. Тадқиқотларда полимер ҳосил бўлиш унумига оксидловчи тури ҳамда уларнинг эритмадаги концентрациялари катта таъсир кўрсатиши аниқланган (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган натижалардан кўриниб турибдики оксидловчининг оксидланиш-қайтарилиш потенциали ортиб бориши билан анилиннинг полимерланиш унуми ҳам ортади. Шунингдек, оксидловчилар сифатида  $(NH_4)_2S_2O_8$  ва  $K_2S_2O_8$  фойдаланилганда анилиннинг полимерланиш унуми бошқа оксидловчилардан фойдалангандагига қараганда юқорироқ эканлиги ҳам кўриниб турибди. Шу сабабли учун ҳам кейинги тадқиқотларда полианилин ва унинг асосидаги полимер композицияларни олишда фақат ушбу оксидловчилардан фойдаланилган.


## 1-жадвал

**Анилиннинг полимерланиш унумига оксидловчи тури ва реакцион аралашмадаги [Ani]:[Ox] моль нисбати таъсири  
(Ванна модули 30:1, T= 297 K, t=24 соат)**

[Ox]	Окс. пот., В	[Ani]:[Ox]	Полим. унуми, %	[Ox]	Окс. пот., В	[Ani]/[Ox]	Полим. унуми, %
FeCl <sub>3</sub>	0,77	1,00:0,75	10	K <sub>2</sub> Cr <sub>2</sub> O <sub>7</sub>	1,36	1,00:0,75	12
		1,00:1,00	20			1,00:1,00	38
		1,00:1,25	24			1,00:1,25	40
K <sub>2</sub> S <sub>2</sub> O <sub>8</sub>	2,01	1,00:0,75	30	H <sub>2</sub> O <sub>2</sub>	1,78	1,00:0,75	18
		1,00:1,00	60			1,00:1,00	40
		1,00:1,25	76			1,00:1,25	44
(NH <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> S <sub>2</sub> O <sub>8</sub>	2,06	1,00:0,75	39	HClO <sub>3</sub>	1,45	1,00:0,75	12
		1,00:1,00	70			1,00:1,00	28
		1,00:1,25	84			1,00:1,25	32

Тадқиқотларда реакцион аралашмадаги [Ani]:[Ox] моль нисбати ҳам полимер ҳосил бўлиш унумига катта таъсир кўрсатиши ҳам аниқланиб, барча ҳолатларда энг юқори унум ушбу нисбат 1,00:1,25 бўлганида кузатилди.

Тадқиқотлар жараёнида синтез қилинган ПАНИнинг эмеральдин асос ва туз шаклларининг идентификацияси уларнинг ИК-Фурье- ҳамда Раман спектрларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилган (1-расм).



**1-расм. ПАНИнинг эмеральдин асос ва туз шаклларининг ИК- (а) ва Раман (б) спектрлари**

ПАНИнинг асос шаклини ИК-спектрида 3266  $\text{cm}^{-1}$  соҳадаги чўққи полимер занжиридаги ароматик ҳалқалар билан боғланган  $-\text{NH}-$  гурӯхлар учун ҳос ҳисобланади. ПАНИнинг туз шаклини ИК-спектридаги 2980  $\text{cm}^{-1}$  соҳадаги чўққи протонлаган имин  $-\text{NH}^+=$  гурӯхлари учун ҳосдир. Полимер занжиридаги хиноид ва бензоид шакллари таркибидаги C=C боғ учун характерли чўққилар эмеральдин асосида 1592  $\text{cm}^{-1}$ , туз шакли учун эса 1576  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда кузатилади. Полимернинг асос шаклига тегишли спектрдаги 1380  $\text{cm}^{-1}$  соҳадаги чўққи  $\text{C}_{\text{бенз}}-\text{N}=\text{C}_{\text{халқа}}$  боғларнинг тебраниши учун ҳос.


Полимернинг туз шакли спектридаги  $1245\text{ cm}^{-1}$  соҳадаги чўққи эса унинг қутбланган  $\text{C}\sim\text{N}^{+}$  боғнинг тебраниши (қўш ёки оддий боғ) ҳисобига юзага келади.

ПАНИнинг Раман спектрларидағи  $1545\text{ cm}^{-1}$  (полимернинг асос шакли) ва  $1552\text{ cm}^{-1}$  (полимернинг туз шакли) соҳалардаги чўққилар  $-\text{C}=\text{C}-$  (бензоид ва хиноид шакллардаги) гурухлар учун хос. Полимер занжиридаги  $-\text{C}=\text{N}-$  гурухлар эса мос равища  $1342\text{ cm}^{-1}$  (полимернинг туз шакли) ва  $1312\text{ cm}^{-1}$  (полимернинг асос шакли) соҳаларда сочилиш чўққиларини ҳосил қиласди. Эмеральдин асосининг  $\text{C}=\text{N}$  боғи  $1470\text{ cm}^{-1}$  соҳада чўққи берса, туз шаклининг қутбли  $\text{C}-\text{N}$  боғи учун хос чўққи нисбатан юқори соҳага силжишини, яъни  $1342\text{ cm}^{-1}$  соҳада чўққи берганини кўриш мумкин.

ПАНИнинг эмеральдин асос шакли бинафша, туз шакли эса тўқ яшил рангда бўлиб, бу адабий маълумотларга ҳам тўлиқ мос келади.

ПАНИнинг эмеральдин асос ва туз шакллари сувда ва бошқа кўпчилик органик эритувчиларда эримайдиган кукусимон моддалардир. Тадқиқотларда уларнинг N-метилпирролидон ва концентрланган сульфат кислотада оз микдорда (0,5-5% оралиғида) эриши аниқланди. ПАНИнинг ушбу эритувчиларда эриш жараёнида комплекслар ҳосил қилиши сабабли ҳам улар эритмасида полимернинг молекуляр массавий характеристикаларини аниқлаб бўлмайди.

Анилиннинг сувли эритмаларда  $\text{K}_2\text{S}_2\text{O}_8$  ва  $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$  иштироқида полимерланиш кинетикаси  $273\text{ K}$  ҳароратда ўрганилди.



**2-расм.** Анилиннинг сувли эритмада  $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$  иштироқида полимерланиш унумининг реакция давомийлигига боғлиқлиги.  
1-0,2Н амиак (pH-10); 2-дистилланган сув (pH-6,5); 3-0,1Н HCl (pH-1,0). T=273К.

Натижада, анилиннинг сувли эритмада  $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$  ва  $\text{K}_2\text{S}_2\text{O}_8$  иштироқида оксидланишли полимерланиш жараёнида полимернинг ҳосил бўлиш унуми реакция давомийлиги ортиши билан ошиб бориши аниқланди. Тадқиқотлар давомида реакцион аралашма pH қиймати анилиннинг полимерланиш унумига катта таъсир қилиши аниқланиб, энг юқори унум кислотали шароитда ҳосил бўлиши кузатилди. Шу билан биргаликда анилиннинг полимерланиш жараёни автотезланиш билан бориши кўрсатиб берилди. Ушбу ҳолат анилинни кислотали ва ишқорий мухитга эга бўлган эритмаларда полимерланиш жараёнига ҳам таалуқли.

Анилиннинг оксидланишли полимерланиш жараёнига реакцион аралашма ҳарорати тасирини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.


## 2-жадвал

**Полианилин ҳосил бўлиш унумига реакцион аралашмадаги [Ani]:[Ox] моль нисбати ва ҳарорат таъсири ( $[HCl]=0,1$  моль/л,  $[Ani]=5,0 \cdot 10^{-2}$  моль/л,  $t=22$  соат)**

[Ox] концентрацияси, $10^{-2}$ моль/л	Унум, %		
	273К	283К	297К
$(NH_4)_2S_2O_8$			
2,50	24,50	19,80	18,20
3,75	42,20	41,20	39,20
5,0	81,50	68,50	59,70
6,25	88,10	76,80	76,80
$K_2S_2O_8$			
2,50	22,50	21,60	18,90
3,75	38,80	34,40	31,60
5,0	76,50	62,80	60,60
6,25	86,10	77,70	72,20

2-жадвалдаги келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, эритма ҳароратининг ортиши билан полимер ҳосил бўлиш унуми камайиб бормоқда. Бу мономерларнинг катион механизмда полимерланиши учун ҳосилобланади.

Анилиннинг полимерланиш жараёнини ўрганиш давомида реакцион эритма pH қийматининг камайиши кузатилди (3-расм), бу эритма pH қийматининг ўзгаришини аниқлаш орқали мономернинг полимерга айланиш даражасини ҳосилобланаб топиш имконини беради.



**3-расм.** Анилиннинг  $(NH_4)_2S_2O_8$  иштирокида полимерланиш жараёнида реакция давомийлигини ортиши билан эритма pH қийматининг ўзгариши. 1-0,2М аммиак эритмаси; 2-дистилланган сув; 3-0,4М сирка кислотаси; 4-0,1М сульфат кислотаси.

Шунинг учун ҳам анилиннинг полимерланиши бошланғич босқичлардаги полимерланиш тезлиги реакцион аралашманинг pH муҳити қийматининг ўзгаришини аниқлаш ёрдамида олинган натижалар асосида ҳосилобланаб топилди. Натижада, анилиннинг сувли эритмада пероксидлар иштирокида катион полимерланиш тезлигининг умумий тенгламалари келтириб чиқарилди. Ушбу тенгламалар ҳар икки оксидловчи иштирокида анилиннинг полимерланиши учун бир хил бўлиб, қўйидаги кўринишга эга:

$$V = K * [Ox] \times [Ani]^{1,8}$$

Анилиннинг катион полимерланишида мономер бўйича реакция тартибининг назарий иккidan фарқланиши реакция нафақат катион 12

полимерланиш ҳисобига, шунингдек маълум даражада радикал полимерланиш ҳисобига ҳам бориши билан тушунтирилиши мумкин.

Ишда анилиннинг катион полимерланиш кинетикаси турли ҳароратларда ҳам ўрганилиб, жараённинг баъзи бир кинетик параметрларининг қийматлари ҳисоблаб топилди (3- ва 4-жадваллар).

### 3- жадвал

**Анилиннинг  $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$  иштирокида катион полимерланиш жараённинг кинетик параметрлари  
[Ani]=0,05 моль/л, [Ox]=0,05 моль/л**

T, K	$V \cdot 10^5$ , моль/л·с	$K_m \cdot 10^5$	E, кЖ/моль
273	5,33	1,94	6,07
283	4,53	1,65	
297	4,33	1,58	

### 4- жадвал

**Анилинни  $\text{K}_2\text{S}_2\text{O}_8$  иштирокида катион полимерланиш жараённинг кинетик параметрлари  
[Ani]=0,05 моль/л, [Ox]=0,05 моль/л**


T, K	$V \cdot 10^5$ , моль/л·с	$K_m \cdot 10^5$	E, кЖ/моль
273	4,98	1,82	15,03
283	4,04	1,48	
297	2,93	1,07	

3- ва 4-жадвалларда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики,  $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$  иштирокида анилиннинг сувли эритмаларда катион полимерланиш тезлиги  $\text{K}_2\text{S}_2\text{O}_8$  иштирокида олиб борилганга нисбатан юқоририк, буни жараённинг умумий фаолланиш энергиясини кичикроқ қийматга эга эканлиги билан тушунтириш мумкин. Хар икки оксидловчи иштирокида анилиннинг полимерланиш жараёнларининг умумий фаолланиш энергияларининг қийматлари радикал полимерланиш жараёнлариникига қараганда нисбатан анча кичик бўлиб, бу ион полимерланишнинг умумий фаолланиш энергияларига мос келади.


Анилиннинг оксидланишли полимерланиш механизмига аниқлик киритиш мақсадида уни сувли эритмада,  $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$  ҳамда радикал полимерланиш ингибитори сифатида гидрохинондан (пара-дигидроксибензол,  $\text{C}_6\text{H}_6\text{O}_2$ ) фойдаланган ҳолда 273-343 K ҳарорат оралиғида полимерланиши тадқиқ қилинди. Натижада, анилиннинг ингибитор иштирокисиз полимерланиш ўрганилган ҳароратлар оралигининг барчасида унинг полимерланиши содир бўлиши кузатилди. Лекин, ингибитор иштирокида эса анилиннинг полимерланиш фақат 323 K ҳароратгача содир бўлиши аниқланди. Бу анилиннинг оксидланишли полимерланиши 323 K ҳароратгача катион, ундан юқори ҳароратларда эса радикал механизмда боришини кўрсатади. Олинган натижалар ҳамда илмий адабиётлар таҳлили

асосида анилиннинг персульфатлар иштирокида сувли эритмаларда оксидланишли полимерланишининг кўйидаги механизми таклиф қилинди:


**Персульфатларнинг парчаланиши:**




**Фаол марказнинг ҳосил бўлиши:**



**Катион полимерланиши:**



**Радикал полимерланиши:**




Таклиф қилинаётган механизмлардан кўриниб турибдики анилин 323 К ҳароратгача катион-радикал фаол марказлар ҳосил бўлиши натижасида катион, ундан юқори ҳароратларда эса эркин радикал фаол марказлар томонидан инициирланган радикал механизmdа полимерланишга учрайди.

Ишда шунингдек, ПАНИ асосидаги материалларнинг таркибида металл оксидларини киритиш уларнинг электрофизик хоссаларига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида таркибида масса буйича 25% гача ZnO ва TiO<sub>2</sub> тутган полимер композициялар олинган. Полимер композициялар металл оксидлари заррачалари мавжуд суспензияда анилинни полимерлаш йўли билан олинган. Полимер композицияларнинг тузилишини ИК- ва Раман спектроскопия усуллари билан идентификация қилинган. Натижада, полимер композиция таркибидаги компонентлар орасида фақат кучсиз электростатик боғланишлар мавжуд эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Полианилин асосидаги полимер материалларнинг физик-кимёвий ва электрофизик хоссалари» номли учинчи бобида ишда синтез қилинган ПАНИнинг эмеральдин туз, асос

шакллари ҳамда уларнинг  $ZnO$  ва  $TiO_2$  билан полимер композицияларининг физик-кимёвий ва электрофизик хоссалари ўрганилиб, олинган натижалар асосида илмий хуносалар чиқарилган.


ПАНИнинг эмералдин туз ва асос шакллари қаттиқ кукусимон моддалар бўлгани учун ҳам, аввало уларнинг сирт тузилиши ўрганилди. Бунинг учун улар намуналарининг СЭМ микрофотосуратлари олиниб ушбу моддаларнинг сирти ғоваксимон тузилишга эга эканлиги аниқланди. СЭМ микроанализатори ёрдамида полимер намуналарининг энергия дисперсион спектрларини олиш орқали улар сирт қаватларининг элемент таркиби ҳам аниқланган.



**4-расм. ПАНИ•НСІ намуналарининг СЭМ микрофотосурати (а) ва энергия дисперсион спектри (б)**


Полимерларнинг энергодисперс спектрлари асосида ҳисоблаб топилган элемент таркиблари натижалари уларнинг тузилишини исботловчи яна бир далил сифатида хизмат қиласди.

Ишда ПАНИнинг эмеральдин туз шакли ва унинг металл оксидлари асосидаги полимер композицияларининг СЭМ микрофотосуратлари ҳам олиниб, уларни таҳлил қилиш орқали материалларнинг сирт тузилиши ўрганилган. Энергия дисперсион спектрлари асосида эса материаллар сирти элемент таркиблари аниқланган (5-расм).



**5-расм. ПАНИ/ZnO (а) ва ПАНИ/TiO<sub>2</sub> (б) таркибли композиция намуналарининг энергия дисперсион спектрлари**


Полимер композициялар таркибидаги металл оксидларининг қандай тарзда тарқалганини ўрганиш мақсадида улар намуналарининг энергодисперсион спектрлари хариталари олинган (6-расм).



**6-расм. ПАНИ/ZnO (а) ва ПАНИ/TiO<sub>2</sub> (б) композициялари таркибидаги элементларнинг тақсимланиш хариталари**

6-расмда келтирилган расмлардаги энергия дисперсион хариталардан композициялар таркибида ZnO ва TiO<sub>2</sub> заррачаларининг бир текис тақсимлангани кўриниб турибди.

Олинган полимер ва композицияларнинг фазавий структурасини ўрганиш мақсадида улар намуналарининг рентгенофазали анализлари ҳам амалга оширилди (7-расм).



**7-расм. Поланилин асосидаги полимер материалларнинг рентген дифрактограммалари**

Рентгенофазали анализ дифрактограммаларидан кўриниб турибди, ПАНИнинг эмеральдин туз шаклида кристалл ҳудудлар мавжуд. Ушбу полимер таркибига ZnO заррачаларининг киритилиши композициянинг кристаллик даражасини жуда оз, лекин TiO<sub>2</sub> заррачаларининг киритилиши натижасида эса унинг сезиларли даражада ортишини кўриш мумкин.


Ишда шунингдек, ПАНИнинг эмеральдин туз (ПАНИ·HCl) ва асос шакллари ҳамда ПАНИ·HCl нинг ZnO билан ҳосил қилган композицияларининг термик анализлари ҳам амалга оширилди. Бунда ПАНИнинг эмеральдин асос шакли энг барқарор эканлиги, унинг термик деструкцияси 590 К ҳароратда бошланиши аниқланди. Ушбу полимер таркибига допант сифатида HCl ҳамда ZnO заррачаларининг киритилиши унинг термик деструкцияниш ҳароратларини мос равишда 549 ва 561 К ҳароратгача камайишига олиб келади.

Термик анализ натижалари асосида полимер ва композицион материалларнинг термодеструкция жараёнининг баъзи бир кинетик параметрлари ҳисоблаб топилди (5-жадвал)


**ПАНИ асосидаги полимер материалларнинг термодеструкцияланиш жараёнининг кинетик параметрлари**

Намуна	$K_0 \times 10^5, c^{-1}$	$E, kДж/моль$
ПАНИ эмеральдин асоси шакли	8,20	45,50
ПАНИ эмеральдин туз (HCl) шакли	0,15	11,20
ПАНИ/ZnO композиция	1,50	44,80

Ишнинг асосий вазифалардан бири бу полиянилиннинг синтез шароити ва унинг таркибига киритилган допантларнинг олинган материалларнинг электр ўтказувчанлигига таъсирини аниқлаш бўлгани учун ҳам, турли шароитларда олинган ПАНИнинг эмеральдин шакллари ҳамда уларнинг ZnO ва  $TiO_2$  билан ҳосил қилган композицияларининг вольт-ампер характеристикаси, яъни материалларнинг 0-1В қучланиш оралиғида ўтказган ток кучи аниқланди. Дастраси тадқиқотлар ПАНИнинг эмеральдин асосининг солиштирма электр ўтказувчанлиги жуда кичик, яъни диэлектрик материалларнига яқин эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам тадқиқотлар давомида факат ПАНИнинг эмеральдин тузи (HCl билан допирланган) ва унинг асосидаги композицияларнинг вольт-ампер характеристикалари ўрганилди. Реакцион аралашмадаги  $[Ani]/[Ox]$  моль нисбатлари турлича бўлганида олинган ПАНИнинг эмеральдин туз шакли намуналарнинг вольт-ампер характеристикалари 8- ва 9-расмларда келтирилган.




8-расм. ПАНИ намуналарининг вольт-ампер характеристикалари. 1, 2, 3 –  $K_2S_2O_8$  концентрацияси мутаносиб холда 0,0375; 0,05; 0,0625 моль/л.  $[Ani]=0,05$  моль/л,  $T=297K$



9-расм. ПАНИ намуналарининг вольт-ампер характеристикалари. 1, 2, 3 –  $(NH_4)_2S_2O_8$  концентрацияси мутаносиб холда 0,0375; 0,05; 0,0625 моль/л.  $[Ani]=0,05$  моль/л,  $T=297K$

Олинган натижалар ПАНИ синтезида реакцион аралашмадаги  $[Ani]/[Ox]$  моль нисбати 1 га тенг бўлганида синтез қилинган полимер намуналарининг солиштирма электр ўтказувчанлиги энг юқори бўлишини кўрсатди. Шу билан биргаликда оксидловчи сифатида  $(NH_4)_2S_2O_8$  дан фойдаланиб олинган полимер намуналарининг электр ўтказувчанлиги юқорироқ эканлиги ҳам аниқланди.

Полимер намуналарининг 297 К ҳарорат ва 0-1 В кучланиш оралиғида түғри ва тескари ток ўтказувчанлик хоссалари ҳам ўрганилганда барча намуналарининг түғри ва тескари ток ўтказувчанлиги бир хил қийматларга эга эканлиги аниқланди (10-расм).



**10-расм. ПАНИ намуналарининг түғри ва тескари ток ўтказувчанлигининг вольт-ампер характеристикалари.** 1, 2, 3-[Ox] концентрациялари мутаносиб ҳолда 0,0375; 0,05; 0,0625 моль/л. [Ani]=0,05 моль/л, T=297K.

Бу ПАНИнинг эмеральдин туз шаклининг яримўтказувчи материал эканлигини кўрсатади.

Ишда шунингдек турли шароитларда синтез қилинган ПАНИнинг эмеральдин водород хлоридли туз шакли ва унинг металл оксидлари билан ҳосил қилган композицияларининг электронларнинг валент зонани ташлаб (тирқишилар ҳосил бўлиши) ўтказувчанлик зонасига ўтиши учун керак бўладиган энергия микдори, яъни ўтказувчанликнинг фаолланиш энергиялари қийматлари ҳам ҳисоблаб топилди (6- ва 7-жадваллар).

#### 6-жадвал

##### ПАНИ•HCl намуналарининг электр токи ўтказувчанлиги бўйича фаолланиш энергиялари ва солиштирма электр ўтказувчанлик қийматлари (U=0,4 В)

№	[Ani]:[Ox] моль/л	E, эВ	E, эВ	Сол. электр ўтказувчанлик, См/см	
		(NH <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> S <sub>2</sub> O <sub>8</sub>	K <sub>2</sub> S <sub>2</sub> O <sub>8</sub>	(NH <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> S <sub>2</sub> O <sub>8</sub>	K <sub>2</sub> S <sub>2</sub> O <sub>8</sub>
1	1,00:0,75	0,144	0,100	8,50	5,50
2	1,00:1,00	0,090	0,060	52,30	23,02
3	1,00:1,25	0,120	0,210	13,20	8,65


#### 7-жадвал

##### ПАНИ/МеО таркибли полимер композитларнинг электр токи ўтказувчанлиги бўйича фаолланиш энергиялари ва солиштирма электр ўтказувчанлик қийматлари (U= 0,4 В)

№	ПАНИ таркибидаги МеО, масса %	E, эВ	E, эВ	Сол. электр ўтказувчанлик, См/см	
		ZnO	TiO <sub>2</sub>	ZnO	TiO <sub>2</sub>
1	0	0,210	0,210	13,200	13,200
2	5	0,200	0,092	12,600	2,300
3	10	0,150	0,090	26,100	2,600
4	15	0,187	0,120	31,500	22,300
5	20	0,200	0,070	148,600	2,800
6	25	0,170	-	84,100	0,003

Жадваллардан кўриниб турибдики, полимер ва композиция намуналарининг солиштирма электр токи ўтказувчанлиги ортиб бориши билан уларнинг электр ўтказувчанлигининг фаолланиш энергиялари мос равища камайиб бормоқда. Бу ПАНИнинг эмеральдин туз шаклини синтез қилиш шароитларини, композицияларнинг таркиби ва ундаги компонентлар турини ўзгаришиш орқали олинган материалларнинг солиштирма электр ўтказувчанлигини мақсадли равища ўзгаришиш имкони мавжуд эканлигини кўрсатади.

ПАНИ ва металл оксидлари асосида олинган композиция намуналарнинг электр ўтказувчанлигига ҳарорат таъсири аниқланди. Натижада, полимер композит таркибига киритилган ZnO заррачаларининг миқдори масса бўйича 15% дан юқори бўлиши билан уларнинг яримўтказувчанлик хоссаси йўқолиб металларга хос хусусиятлар номоён бўлади.



**11–расм. ПАНИ/ZnO асосидаги композицияларнинг солиштирма электр ўтказувчанлигининг ҳароратга боғлиқлик графиги:**

**а) ZnO 10%, б) ZnO 20%**

Тадқиқотлар давомида ишда олинган полимер материалларнинг электр ўтказувчанлик типи ҳам аниқланди. Натижада ПАНИнинг эмеральдин тузи асосидаги полимер материаллар «п»-тип, ПАНИ ва унинг металл оксидлари билан ҳосил қилган композицион материаллар эса «р»-тиplи электр ўтказувчанлик хоссасини намоён қилувчи материаллар эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Полимер материаллар синтези, уларнинг физик-кимёвий ва электрофизик хоссаларини тадқиқ қилиш услублари» деб номланувчи тўртинчи бобида қўлланилган реакцияларда ишлатилган реактивларнинг тавсифи, ПАНИ асосидаги ток ўтказувчи полимер материалларнинг олиш усувлари ва уларнинг физик-кимёвий ҳамда электрофизик хоссаларини ўрганишда қўлланилган тадқиқот услублари келтирилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Турли оксидловчилар иштирокида анилиннинг сувли эритмаларда оксидланишили полимерланиши тадқиқ қилиниб, анилиннинг полимерланиш унуми оксидловчининг оксидланиш-қайтарилиш потенциалига боғлиқ эканлиги аниқланди. Натижада, анилинни полимерлашда фойдаланилган

оксидловчи тури ҳамда унинг эритмадаги концентрациясини ўзгартириш орқали олинган полимерларнинг электрофизик хоссаларини ўзгартириш имконияти борлиги кўрсатиб берилди.

2. Анилиннинг сувли эритмаларда персульфатлар иштирокида катион полимерланиш кинетикиси ўрганилиб полимерланиш тезлигининг умумий тенгламаси келтириб чиқарилди, ҳамда жараёнларнинг фаолланиш энергиялари ҳисоблаб топилди. Ҳароратининг ўзгариши анилиннинг полимерланиш механизмига таъсир қилиши кўрсатиб берилди ва унинг турли ҳароратларда полимерланиш механизмлари таклиф қилинди.

3. Полианилиннинг  $ZnO$  билан турли таркибга эга бўлган полимер композициялари синтез қилиниб, полимер таркибига ушбу металл оксидининг киритилиши олинган материалларнинг электрофизик хоссаларига қандай таъсир қилиши ўрганилган. Натижада, материал таркибидаги  $ZnO$  нинг миқдори масса бўйича 15% гача бўлганида улар яrimётказувчиларга, ундан юқори бўлганида эса металларга хос бўлган электр токи ўтказувчанлик хусусият эга бўлиши кўрсатиб берилган.

4. Полианилин ҳамда у асосидаги композицион материалларнинг морфологияси ва термик хусусиятлари ўрганилган. Материалларнинг термодеструкциясининг кинетик параметрлари ҳисоблаб топилган. Полианилиннинг эмеральдин туз шакли структурасида кристалл ва аморф худудлар мавжуд эканлиги аниқланниб, полимер таркибига металл оксидларини киритилиши унинг кристаллик даражаси ҳамда солиштирма электр ўтказувчанлигини ортига олиб келиши кўрсатиб берилган.

5. Полианилиннинг эмеральдин туз шакли ҳамда уни  $ZnO$  ва  $TiO_2$  билан композицияларининг вольт-ампер характеристикалари, электр токи ўтказувчанлик бўйича фаолланиш энергиялари аниқланган. Полианилиннинг эмеральдин туз шаклининг электр ўтказувчанлиги «*p*» турдаги, унинг металл оксидлари билан композициялари эса «*n*» турдаги ўтказувчи материалларга кириши аниқланган.

6. Полианилин асосидаги композит материалларни сақлаш, ундан фойдаланиш ва бошқа кўрсаткичларининг техникавий шартлари ишлаб чиқилган. Полимер композицияларни амалий аҳамияти қайта зарядланувчи батареялар ва суперконденсаторларни электрод материалларнинг таркибий компонентлари, турли антистатик композициялар тайёрлашда қўшимчалар сифатида фойдаланиш мумкинлиги, автоматика ва назорат ўлчов асбоб-ускуналарида контакт ва ток ўтказувчи элементлари сифатида фойдаланишга жорий қилиниши билан изоҳланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**АБДУЛЛАЕВА НИГОРА НУРИДИНОВНА**

**ТОКОПРОВОДЯЩИЕ ПОЛИМЕРНЫЕ МАТЕРИАЛЫ НА ОСНОВЕ  
ПОЛИАНИЛИНА**

**02.00.06 – Высокомолекулярные соединения**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКАМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/К339.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках [узбекский, русский, английский (резюме)] размещен на веб-странице по адресу [www.ik-kimyo.nuu.uz](http://www.ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:**

**Махкамов Музаффар Абдугаппарович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Рафиков Адхам Салимович**  
доктор химических наук, профессор

**Жураев Мурод Махмараражаб угли**  
доктор философии по химическим наукам

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «28» октября 2022 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован № 116). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул.Университетская, 4. Тел.:(+99871) 227-12-24; факс: (99824) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан « 13 » октября 2022 года.

(протокол рассылки № 18 от «13» октября 2022 года).

**З.А.Сманова**

Председатель разового научного совета по  
присуждению учёной степени доктора наук,  
д.х.н., профессор

**Д.Ж.Бекчанов**

Ученый секретарь разового научного совета по  
присуждению учёной степени доктора наук,  
д.х.н., доцент

**М.Г.Мухамедиев**

Председатель разового научного семинара при научном  
совете по присуждению учёной степени доктора наук,  
д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире полимерные материалы с электропроводностью широко используются в электролюминесцентных диодах, пленочных транзисторах, датчиках, электронных дисплеях, элементах цифровой памяти и логических устройствах, солнечных элементах, медицинских диагностических и аналитических устройствах требующих высокой точности, твердотельных аккумуляторных батарей и другом оборудовании.

На сегодняшний день в результате развития электронных технологий в мировом масштабе изучение кинетики и механизмов процессов получения полимеров со свойствами характерных полупроводников, создание на их основе новых композиций, исследование их химических, физических, физических-химические свойства имеет большое научное значение.

В последние годы в нашей стране особое внимание уделяется решению проблемы по внедрению в практику изделий на основе полупроводниковых полимерных композиционных материалов для замены импортируемых. Проводятся работы по получению различных транзисторов, ионопроводящих материалов, датчиков чувствительных к пьезосопротивлению, солнечных батарей, аккумуляторных электродов, покрытий для защиты металлов от коррозии и других материалов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> определены важные задачи «производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, разработки принципиально новых продуктов и технологий, обеспечивающих тем самым конкурентоспособность национальных товаров на внутреннем и зарубежных рынках». В связи с этим важным является получение полимерных композиционных материалов с ионными и электронно-проводящими свойствами, определение их свойств и областей применения, а также практическое применение в различных областях.

Данное диссертационное исследование в определённой степени способствует выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года № ПП-3246 «О мерах по совершенствованию экспортно-импортной деятельности организаций химической промышленности» и от 12 августа 2020 года № ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химии и биологии», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное исследование

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан VII «Химическая технология и нанотехнологии».

